“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш
бошқармаси бошлиғи
Ж.Б. Худойбердиев

«2» май 2024 й.

“Коррупция тушунчаси, унинг шакллари ва сабаблари” мавзусида давра суҳбати баённомаси

Тошкент ш. **2024 йил 2 май**

Қатнашдилар: “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖга янги ишга қабул қилинган ходимлар.

ЎзРВБ Фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш бошқармаси бошлиғи Ж.Б. Худойбердиев давра суҳбатини *“Очиқ”*. – деб эълон қилди ва сўз олиб, ЎзРВБнинг 2024 йил 13 февралдаги 03-14-сонли фармойиши билан ЎзРВБда 2024 йилда ходимларни этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш бўйича дастур қабул қилинганлигини таъкидлаб ўтди. Мазкур дастурда ЎзРВБга янги ишга қабул қилинган ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш назарда тутилганлигини таъкидлаб, бугунги давра суҳбатида коррупция тушунчаси, унинг шакллари ва сабабларини тушунтириш мақсадида сўзни Коррупцияга қарши ички назорат бўйича масъул ходим О.Э.Умурзаковга берди.

Маърузачи, О.Э.Умурзаков: – Маълумки, давлат, шу жумладан ҳуқуқ пайдо бўлиши билан уни суиистеъмол қилувчилар, ундан ғаразли шахсий манфаатларда фойдаланувчилар пайдо бўлган.

Жумладан, коррупция ҳам шу каби салбий ҳолатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Этимологик жиҳатдан “коррупция” атамаси “бузиш, пора эвазига оғдириш” деган маънони англатадиган лотинча “corruptio” сўзидан келиб чиққан. Юридик энциклопедия муаллифларининг таъкидлашича, “коррупция - мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият.

1979 йил 17 декабрда қабул қилинган ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор кодексида: “Коррупция тушунчаси миллий ҳуқуқда белгиланиши лозим”, деб қайд этилган, лекин мазкур ҳодисанинг намунавий таърифи келтирилган: “...мансабдор шахс ўз мансаб ваколатлари соҳасида ҳар қандай шаклдаги ҳақ эвазига мазкур ҳақни берувчининг манфаатларида, лавозим йўриқномаси қоидаларини бузган ҳолда ёки бузмасдан муайян ҳаракатларни бажариши ёки ҳаракатсизлиги.

БМТнинг халқаро миқёсда коррупцияга қарши кураш бўйича маълумотида шундай дейилган: “Коррупция - бу шахсий мақсадларда наф кўриш учун давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиш”.

Коррупция тушунчасига берилган шунга ўхшаш таърифга Жаҳон банкининг ҳозирги дунёда давлатнинг ролига бағишланган ҳисоботида ҳам дуч келиш мумкин: коррупция - бу “шахсий наф кўриш йўлида давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиш”.

Коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжат бу - шубҳасиз, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатни ратификация қилган: Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан “БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни 2008 йил 24 июнда қабул қилинди ва 2008 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати томонидан маъқулланди ва 2008 йил 28 августдан эътиборан кучга кирди.

2017 йил 3 январь куни Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги” Қонуни қабул қилинди.

Қонунда коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш дея белгиланди.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, коррупция мурракаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, унга қарши курашиш учун алоҳида чораларни қўллаш самарали ҳисобланмайди. Ушбу фаолият комплекс-мажмуавий тарзда амалга оширилиши лозим.

Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг мақсади ва объекти сифатида алоҳида олинган коррупционер эмас, балки ушбу хатти-ҳаракатларни амалга оширишга шароит яратиб берувчи ҳолатларни бартараф қилиш ва профилактик олдини олиш чораларида намоён бўлади.

Йиғилиш якунида маърузачи иштирокчилар саволларига батафсил жавоб берди.

Коррупцияга қарши ички
назорат бўйича масъул ходим **О.Э.Умурзаков**